

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH-APRIL | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-4 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-3-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3-4

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3-4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3-4>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЮНУСОВ Камалдин Абзалович

Андижон шаҳар Иқтисодиёт ва педагогика университети НОТМ

“Иқтисодиёт-педагогика” факультети

“Иқтисодиёт ва ижтимоий фанлар” кафедраси профессори

сиёсий фанлар доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10948193>

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН- ҚИЗЛАР МАВҚЕИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Илмий мақола Ўзбекистон Республикасидаги муҳим ижтимоий-психологик муаммолар ва гендер муаммоларни бартараф этиш омилларини таҳлил қилишга бағишланган. Хусусан, “Замонавий таълим инфратузилмаси” мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида ўқув курсларини ташкил этиш зарурлиги илмий, амалий, ижтимоий-психологик жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда кўрсатилган. Илмий мақолада Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда тизимли-функционал ёндашув, диалектик ёндашув ва муҳим тамойиллардан фойдаланиш зарурати, шунингдек, миллий тараққиёт ғоялари ва миллий кадриятларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари баён этилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, хотин-қизлар, гендер муаммоси, ижтимоий-психологик омиллар, таълим, кадрлар тайёрлаш, таълим инфратузилмаси, Ўзбекистонда учинчи уйғониш даври асослари, умумтаълим мактабларида касбга тайёрлаш курслари фаолияти.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ УЛУЧШЕНИЯ ПОЛОЖЕНИЯ ЖЕНЩИН И ДЕВУШЕК В УЗБЕКИСТАНЕ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ

АННОТАЦИЯ

Научная статья посвящена анализу важных социально-психологических проблем и факторов устранения гендерных проблем в Республике Узбекистан. В частности, показана необходимость организации учебных курсов в рамках фундаментального исследовательского проекта по теме «Современная образовательная инфраструктура» на основе научно-практического, социально-психологического аспектов. В научной статье описана необходимость использования системно-функционального подхода, диалектического подхода и важные принципы формирования и развития гражданского общества в Узбекистане, а также идеи национального развития и социально-психологические аспекты национальных ценностей которые имеют положительное значение.

Ключевые слова: глобализация, женщины, гендерная проблема, социально-психологические факторы, образование, подготовка кадров, образовательная инфраструктура, основание третьего ренессанса в Узбекистане, деятельность курсов повышения квалификации.

SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS FOR IMPROVING THE SITUATION OF WOMEN AND GIRLS IN UZBEKISTAN DURING GLOBALIZATION

ANNOTATION

The scientific article is devoted to the analysis of important socio-psychological problems and factors for eliminating gender problems in the Republic of Uzbekistan. In particular, the need to organize training courses within the framework of a fundamental research project on the topic “Modern educational infrastructure” is shown on the basis of scientific, practical, socio-psychological aspects. The scientific article describes the need to use a systemic-functional approach, a dialectical approach and important principles for the formation and development of civil society in Uzbekistan, as well as ideas of national development and socio-psychological aspects of national values that have a positive meaning.

Key words: globalization, women, gender problem, socio-psychological factors, education, personnel training, educational infrastructure, foundation of the third renaissance in Uzbekistan, activities of advanced training courses.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари юз йилларга татиғулик мазмун-моҳият касб этмоқда. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик, ижтимоий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга.

2019 йил 2 сентябрдан кучга кирган, Ўзбекистонда Гендер тенглиги тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши – жамиятимизни барқарор тараққий этишининг муҳим омилларидан бири - хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашда, уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини юксалтиришда муҳим қадам бўлди.

Кейинги йилларда, Ўзбекистонда мазкур муаммо бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мазкур давлат ҳужжатлари, Ўзбекистонда хотин-қизлар мавқеини юксалтиришнинг ижтимоий психологик омилларига эътиборни кучайтириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Фикримизга мисол сифатида, 2022 йил 7-мартда қабул қилинган “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди.

Ҳозирда, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, уларнинг мавқеини ижтимоий психологик жиҳатдан таҳлил қилиш, бу борада мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни келтириб чиқараётган манбаларни тадқиқ қилиш ва бартараф этиш – нафақат илмий, балки ижтимоий-сиёсий, давлат аҳамиятига молик масаладир.

Юқорида таъкидлаб кўрсатганимиздек, ҳозирда, Ўзбекистонда, жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, оила-турмуш муносабатларида хотин-қизлар билан боғлиқ кўплаб ижтимоий-психологик муаммолар мавжуд. Айниқса, ёш оилаларда, кўпчилик хотин-қизларнинг иқтисодий, маиший турмуш соҳаларидаги ҳолати, мавқеи билан боғлиқ муаммолар ортиб бормоқда. Айрим ҳолларда эса ниҳоят даражада кескин психологик вазиятларни келтириб чиқармоқда.

Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, доимий иш жойига эга бўлмаган ишсиз, бошқаларнинг кўлига қараб қолган, маълумоти паст, бирон касб-хунарга эга бўлмаган хотин-қизлар хали хануз кўпчиликни ташкил қилади. Чорасизликдан пул топиш илинжида “жиноят йўлларига” кириб қолаётган хотин-қизларнинг ҳаёти жамиятдаги ижтимоий психологик муаммоларни янада кескинлаштирмоқда. Бошқача қилиб айтганда, жиноят, фирибгарлик, фоҳишалик, диний экстремизм, гиёҳвандлик, гиёҳванд моддалар савдоси, одам савдоси билан шуғулланувчи каби жирканч йўлларга кириб қолган хотин-қизларнинг мавжудлиги – Ўзбекистонда гендер муаммосининг иқтисодий, ҳуқуқий, таълимий, сиёсий томонлари билан тенг қаторда, уларнинг ижтимоий психологик жиҳатларига ҳам жиддий эътибор билан қарашни тақазо қилади. Мазкур илмий мақоламиз, ана шу омилларни таҳлил қилишга бағишлангандир.

Олиб борган социологик ва ижтимоий психологик жиҳатдан кузатишларимиз, ижтимоий социологик сўров натижалари, илмий тадқиқотларимизнинг муҳим натижаларига (Фарғона водийси, хусусан, Андижон шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинларида, 31 умумтаълим мактабида олиб борилган кузатишларимизнинг натижаси сифатида) асосланилган. Мазкур мақолада, Ўзбекистонда хотин-қизлар мавқеини юксалтиришнинг ижтимоий психологик жиҳатдан таҳлил қилиш мақсади кўйилди.

Республика статистика агентлиги ҳисоботида кўра, 2023 йил январь-июнь ойларида Ўзбекистонда никоҳдан ажралишлар сони 25 400 тани ташкил этиб, 2022-йилнинг мос даврига нисбатан 828 тага кўпайган.

2023 йилнинг дастлабки 6 ойида Фарғона вилояти никоҳдан ажралишлар сони энг кўп ҳудуд сифатида қайд этилган. Вилоятда ярим йилда 3 107 та оила ажрашган. Кейинги ўринларни Тошкент шаҳри (2 989 та) ҳамда Андижон вилояти (2 854 та) эгаллаган. 2023 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон бўйича никоҳдан ажралишлар сони жами 25 400 тани ташкил этган. Хусусан, шаҳар жойларида 15,3 мингта, қишлоқ жойларида 10,1 мингта оила ажрашган. Ўтган 2022-йилнинг дастлабки 6 ойида эса 24 572 та никоҳдан ажралиш ҳолатлари қайд этилиб, энг кўп ажралишлар Тошкент шаҳри (2 950 та) ва Самарқанд вилоятида (2 569 та) бўлган. Мамлакатда 2022-йилда жами 48 734 та никоҳдан ажралиш ҳолатлари юз берган [2].

Олиб бораётган тадқиқотимизда, ижтимоий концепция сифатида илгари сурилаётган “Замонавий таълим-тарбия инфратузилмаси”ни ташкил қилиш орқали, Ўзбекистонда учинчи ренессанс даври бошланишига асос бўлиб хизмат қилувчи ижтимоий психологик механизмни қарор топтириш ва уни ишга тушириш мақсадга мувофиқ. “Замонавий таълим-тарбия инфратузилмаси” нима? “Замонавий таълим-тарбия инфратузилмаси” - муайян ҳудудда жойлашган таълим объектлари ва улар билан боғлиқ бўлган маиший-турмуш объектларини ўз ичига олади. “Таълим-тарбия инфратузилмаси” тушунчаси – Тошкентда, ҳозиргача мавжуд бўлган ва номланиб келинаётган “ВУЗ городок”, “Талабалар шаҳарчаси” каби тушунчаларга яқин тушунчадир.

“Замонавий таълим-тарбия инфратузилмаси” тушунчаси, 2020-йил 23-сентябрда 637-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунда кўрсатиб ўтилган “таълим кампуси” тушунчасига айнан мос тушади. Қонунда таълим кампусига қуйидагича таъриф берилган: “ягона ҳудудда бирлаштирилган ўқув биноларини, илмий-тадқиқот институтларини (марказларини), ишлаб чиқариш мажмуалари ва технопаркларни, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг вақтинча яшаш жойларини, лабораторияларни, ахборот-ресурс марказларини (кутубхоналарни), спорт иншоотларини, умумий овқатланиш объектларини ўз ичига олган бинолар ҳамда иншоотлар мажмуидан иборат бўлган, ўқув жараёни, маънавий-ахлоқий тарбиянинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган таълим-тарбия муҳити” [1].

Умумтаълим мактабида ташкил қилинадиган “Битирувчи қизлар ўқув курси” ўқувчилари томонидан эгалланадиган ўнга яқин мутахассисликлар бўйича касб-хунарга эга бўлган қизлар, келажакда ўз иш ўринларига эга бўлиб, меҳнат бозоридаги ҳозирда мавжуд бўлган тиғизликни бартараф этишга хизмат қилиб, мавжуд ижтимоий психологик вазиятни бир мунча енгиллаштиради.

Жамият ҳаётида хотин-қизлар, оиланинг ўрни ва роли беқиёс каттадир. Ҳар бир хотин-қизнинг жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги мавқеи юксак даражада бўлиши, уларнинг ҳар томонлама билимли, онгли, юксак тафаккурли, маънавий-мафкуравий жиҳатдан юксак даражада бўлиши, оила қуриш, бола тарбияси ва ҳозирги ўта мураккаб замонда турмушнинг аёвсиз синовларига тайёр бўлиши ўз навбатида, оила ва жамият барқарорлиги, ҳамда раванқ топишини таъминлашга хизмат қилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактабларининг 10-11 синфларида “Битирувчи қизлар мактаби” ўқув курсини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистон дунёга юз тутди. Бунинг оқибатида кўплаб ёшлар, хусусан, хотин-қизлар ҳам пул топиш, моддий-молиявий имкониятини яхшилаш мақсадида чет элларга иш қидириб, мамлакатдан чиқиб кетмоқдалар. Республика статистика агентлиги берган маълумотларга кўра, 2023-йил январь-июнь ойларида Ўзбекистондан хорижга кўчиб кетганлар сони 113,7 минг кишини ташкил этди. Шундан эркаклар сони 48 минг нафар, аёллар - 65,7 минг нафарни ташкил қилган [3].

Чет мамлакатларга иш қидириб кетаётган хотин-қизларнинг кўплари муайян замонавий касб-хунарга эга бўлмаганликлари, чет тилларини, хусусан, рус тилини яхши билмаганликлари туфайли турли кўнгилсиз муаммоларга дуч келмоқдалар ва “замонавий куллик”ка тушиб қолмоқдалар. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирда, Россия Федерациясида 2021 йилги Бутунроссия аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Россияда 323 278 нафар ўзбек (мамлакат аҳолисининг 0,25 фоизи) истиқомат қилган, бошқа ҳисоб-китобларга кўра, бу рақам жуда кам баҳоланган ва 3 миллиондан ортиқ кишига етиши мумкин. 2023-йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистондан Россияга 600 мингдан ортиқ меҳнат муҳожири келган. Бу ҳақда Жаҳон банкининг Миграция ва тараққиёт бўйича глобал билимлар ҳамкорлиги (КНОМАД) ташаббуси билан тайёрланган ҳисоботда айтилади [6].

Юқорида баён қилинган маълумотларга асосланиб айта оламизки, хорижга иш қидириб кетган “Битирувчи қизлар мактаби” ўқув курсини тамомлаб, муайян мутахассисликка эга бўлган хотин-қизлар эса қора ишлар билан эмас, балки эгаллаган замонавий касби бўйича малакали ишчи бўлиб меҳнат қиладилар ва яхши даромадга эга бўлладилар. Ўқув курсининг муддати икки ўқув йилидан иборат бўлади (сентябрь-июнь ойларида - 10 ой давимида олиб борилади).

Ўқув курсининг асосий мақсади: Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида битирувчи қизларни мустақил ҳаётга, оилага тайёрлашдан иборат. Уни тамомлаган қизлар нафақат дунёвий фанлар бўйича билимларга, балки бир неча мутахассисликларга, касбларга эга бўлади ва тегишли сертификатларни қўлга киритадилар. Булар: тиббий билим асослари (оила ҳамширалик), массаж курси, "моделлаштириш", либос дизайнерлик, бичиш, тикиш технологиялари яъни чеварчилик, компьютер-программист, пазандачилик, қандолатчилик, келинликка тайёрлаш курси, енгил автомобиль хайдовчилик курси каби малака ва касб-хунарларга ўргатувчи ўқув курсларидан иборат.

Тиббий билим асослари курсида (3 ойлик), “Битирувчи қизлар мактаби” аъзолари уй ҳамширасига керакли бўлган барча муолажалар: чақалоқ парвариши, инсон танасининг гигиеник муолажаси, касалликларнинг турлари ва уларни даволаш тамойиллари, дори-дармонларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни тўғри қўллаш йўллари ўргатилади.

“Битирувчи қизлар мактаби” ўқув курсида тиббий билим асослари ўқув курси доирасида битирувчи қизларни келажакда оила курганда энг муҳим машғулотлардан бири – оилада бола тарбияси хисобланади. Ҳозирда кўплаб ёш оилаларда ёш келинчаклар, тажрибасизликлари оқибатида, бола тарбиясида кўплаб қийинчиликларга дуч келмоқда. Ёш оилада келинчакларнинг тиббий билимларининг ўта чекланганлиги туфайли бола тарбиясида кўнгилсиз воқеалар ҳам содир бўлмоқда. Шунинг учун, ушбу муаммо ўзининг ижтимоий характериға эға бўлиб, унинг олдини олиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Маълумки, Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда ҳам бола тарбияси билан асосан аёллар – оналар шуғулланади. Аёллар хомиладор бўлган даврдан бошлаб, айниқса, чақалоқ дунёға келган кундан бошлаб унинг саломатлиги, ахлоқ-одобини назорат қилиш ва тарбиялаб бориш асосан оналар зиммасига тушади. Мана шундай ўта машаққатли ишни уйдлаш учун бўлажак оналар бола тарбияси билан боғлиқ барча билимлардан хабардор бўлишлари зарур. Шунинг учун, “Битирувчи қизлар мактаби” ўқув курсида тиббий билим асослари курсида ўқувчи қизларнинг хомила ва чақалоқ саломатлиги, гигиенаси, уни соғлом вояға етиши учун зарур бўлган тиббий билимларини шакллантириш ва ошириб бориш муҳим амалий аҳамиятға эғадир. Мазкур дарс сабоқларини малакали, муайян иш тажрибасига эға бўлган мутахассислар ўтиши талаб этилади.

“Битирувчи қизлар мактаби”да массаж курсини ташкил қилиниши ҳам мақсадға мувофиқ. Чунки оилада, бола тарбиясида, эр-хотин муносабатларида аёлнинг массаж тўғрисида маълумотға эға бўлиши ва амалий кўникмаға эға бўлиши мақсадға мувофиқ. Бундай малакаға эға бўлиш, оилани мустаҳкамлигига, фарзандларни соғлом вояға етишиға хизмат қилади. Ушбу ўқув курсида қизлар умумий массаж, болалар массажи, спорт массажи, даволовчи (точечный) массаж каби массаж турларини ўзлаштирадидлар.

Навбатдаги ўқув курси ҳам оила ва турмушда муҳим аҳамият касб этувчи малака – “Моделлаштириш” ва “Дизайнерлик” ҳамда тикувчиликдир. Ушбу курсда: кийим кечак дизайнини, мато турларини фарқлаш ва ишлатиш, андоза тайёрлаш, бичиш ва тикиш технологияси, эксклюзив буюмлар яратиш каби малакаларни ўрганадидлар. Мазкур ўқув курсини яхши ўзлаштирган битирувчи қизлар, катта ҳаёт йўлиға чиққач, турмушға чиқиб оила курғач, тикувчилик касбини давом эттириб, ўзининг моддий-молиявий даромадига эға бўлиш имкониятиға эға бўладидлар. Мазкур касб, ҳунар, ҳозирда, бозор иқтисодиётининг янада ривожланиб бориши, хусусий мулкчиликнинг кенгайиб бориши, тадбиркорликка кенг йўл очилиб, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши оқибатида амалий ва ушбу касбға бўлган талабнинг ортиб бориши билан характерланади.

Ҳозирда, Ўзбекистонда ҳам, чет элларға кетиб фоҳишалик қилиб юрган кўплаб ўзбек қизлари, ўз ҳаёти тўғрисида интернет сайтларида интервью берганларида “бошқа касб-ҳунар қилиш қўлимдан келмагани учун шу йўлга киришға мажбур бўлдим” – деб афсусланадидлар.

“Битирувчи қизлар мактаби”да пазандалик, қандолатчилик курси ҳам фаолият кўрсатади. Ушбу ўқув курси ҳам алоҳида диққат-эътибор касб этади. Чунки ҳар бир оила бекаси турмушда, эр-хотин муносабатларида, оиланинг мустаҳкамловчи “устунлар”дан бири – бу ҳам бўлса, мазали таомлар тайёрлашни яхши ўзлаштиришдан иборат. Сир эмаски, кўплаб эркаклар, турмуш ўртоғининг “қўли бемаза” эканлигидан нолийдидлар ва хатто, бунинг оқибатида оиланинг бузулишигача бориб етадидлар. Шунинг учун, битирувчи қизлар таом тайёрлаш сирларини яхши ўзлаштиришлари зарур. “Қўли ширин” қиз ва аёллар ҳар қандай эркакни ўзига ром қила олади. Халқимизда шундай бир нақл бор: “эркак ўз аёлини ошқозони билан севади.” “Қўли ширин” аёл ҳар жойда хурмат ва иззатға эға бўлади. Ўқув курсида битирувчи қизлар иссиқ таомларни, хусусан, миллий ва жаҳон халқлари таомларини тайёрлаш сирларини ўрганадидлар. Шунингдек, ўқув курсида яна турли хил салатлар, ширинликлар тайёрлашни ҳам ўрганадидлар.

Мазкур ўқув курсининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ўқув курсини яхши ўзлаштириб, пазандалик касбини яхши эгаллаган қизлар, келгусида ўз касблари билан яхшигина даромадга эга бўлиб, рўзғор тебратишлари, ҳозирги ўта мураккаб бозор иқтисодиёти амал қилаётган шароитда мунтазам иш жойларига эга бўлишлари мумкин. Чунки шаҳар кишлоқларимизнинг ҳар бир кўча ва марказларида кўплаб овқатланиш шаҳобчалари фаолият кўрсатмоқда. Бу шуни англатадики, уларда ишлаш учун имкониятлар бисёрдир.

“Битирувчи қизлар мактаби”да “Келинликка тайёрлаш” курси ҳам фаолият кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳозирда кўплаб оилавий низолар, келишмовчиликлар, ҳатто, оилавий ажримлар, қизларнинг оила-турмушга тайёр бўлмаганлиги оқибатида рўй бермоқда. “Келинликка тайёрлов” курсида битирувчи қизлар – бўлажак келинчаклар сифатида, оила-турмуш, эр билан хотин ўртасидаги ўта нозик муносабатларни ўрганадилар. Шунингдек, Ўзбекистонда, оила-турмуш муносабатларида келинлар билан қайнота-қайнона муносабатларида ҳам, меҳмон кутиш, одоб-ахлоқ муносабатларини ҳам ўзлаштирадилар. Юзаки қараганда, бундай муносабатлар аҳамиятсиздек туйилиши мумкин. Аммо, социологик тадқиқотларимиз натижасига қараганда, ҳозирда оилавий ажралишларнинг 10-15 фоизи – айнан ана шу муносабатлардаги салбий ҳолатларнинг оқибатида рўй бермоқда.

Мазкур ўқув курсида асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқимизнинг ўзига хос менталитети, миллий қадриятларимиз, диний урф-одатларимизга мос бўлган анъаналар ўргатилади. Масалан, дастурхон солишдан аввал, оиладаги катталар ва ташриф буюрган меҳмонларнинг кўлига илиқ сув бериш ҳам миллий таомил ҳисобланади. Бу таомил Фарғона водийси аҳолиси ўртасида кенг тарқалган бўлиб, миллийлигимизнинг ўзига хос турмуш беаги ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кўпинча, баъзида, уй бекаси яъни келинчак оиладаги катталар ёки меҳмон кўлига сув қуйишда хатога йўл қўйиб, илиқ сув ўрнига совуқ сув қуядилар. Бу ҳам оиладаги қиз бола ёки келинчакнинг етарлича фаҳми фаросати бўлмаганлигидан далолат беради.

Ўқув курсида кўнгил олиш санъати, меҳмон кутиш одоби, дастурхон безатиш каби кўплаб миллий таомиллар ўргатилади. Мазкур курсда битирувчи қизлар эгаллаган малакалари, келгусида уларнинг оилавий турмушдаги содир бўлиши мумкин бўлган ноқулайликлардан сақлайди. Айниқса, қайнона-келин муносабатларига ижобий таъсир кўрсатади ва оила мустаҳкамлигини таъминлайди.

“Битирувчи қизлар мактаби”да енгил автомобиль ҳайдовчилик курсининг ўтилиши – битирувчи қизлар мактабида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки енгил автомобилнинг ҳар бир оилада бўлиши, ўғил-қизларнинг енгил автомобилни бошқара олиши – замон талабидир. Енгил автомобилни бошқариш, аллақачон “мансаб”, дабдабадан ҳаётий заруриятга айланиб бўлган. Битирувчи қизлар енгил автомобил бошқаришни ўрганиши, келгусида уларнинг замонавий техника бўйича уддабурон, гендер муносабатларини мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

“Битирувчи қизлар мактаби”да яна бир муҳим, замонавий мутахассисликлардан бири – компьютер технологиясини пухта эгаллашдан иборат. Ҳозирги кунда бирон бир давлат ёки хусусий ташкилот йўқки, у жойда компьютер технологиясидан фойдаланмаса. Мамлакатимизда барча соҳани рақамлаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Шунинг учун, хотин-қизлар компьютер технологиясини пухта эгаллаши зарур. Мазкур курсни муваффақиятли тамомлаган хотин-қизлар, келажакда программист-компьютерчи лавозимида иш жойига эга бўладилар. Компьютер технологиясини пухта эгалламаган инсон, соҳа бўйича саводлик ҳисобланмайди.

Ўқув курси машғулотлари ҳафтада 6 кун (душанбадан шанбагача) олиб борилади. Яқшанба кунини эса ихтиёрий равишда ўқувчи қизларнинг ўз хоҳиши билан диншунослик бўйича амалий машғулотлар олиб борилади.

Умумтаълим мактаби доирасидаги икки йиллик “Битирувчи қизлар мактаби” ўқув курсини тамомлаган қизлар ўрта маълумоти ҳақидаги аттестатга эга бўлишлари билан бирга камида ўнга яқин касблар бўйича ҳам сертификатларга эга бўладилар ва мустақил ҳаётга ҳамда оила қуришга тайёр бўлиб чиқадилар. Ўқув курсининг битирувчи қизлари, келгусида ўзларининг ижтимоий мавқеини яратиши ва юксалтириши, иш ўринларига эга бўлиши ва ишлаб пул топиш имкониятига кўпроқ эга бўладилар.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш лозим.

1. Умумтаълим мактаби доирасидаги икки йиллик “Битирувчи қизлар мактаби” ўқув курсини тамомлаган қизлар ўрта маълумоти ҳақидаги аттестатга эга бўлиши билан бирга камида 10 га яқин касблар бўйича ҳам сертификатларга эга бўладилар, юксак маънавий-маърифий тайёргарликка эга бўлган қизлар мустақил ҳаётга ҳамда оила ва турмуш синовларига дош бера оладиган иммунитетга эга бўлиб чиқадилар. Келгусида, улар ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, психологик жиҳатдан мавқеини яратиш имкониятига эга бўладилар.

2. “Битирувчи қизлар мактаби” ўқув курсини тамомлаб, муайян мутахассисликка эга бўлган ёшлар мамлакат иқтисодий ривожланишига муҳим туртки бўлади. Энг асосийси, “Битирувчи қизлар мактаби” – жамият ижтимоий ҳаётида энг заиф ва нимжон, қўллаб-қувватланиши зарур бўлган хотин-қизлар ижтимоий қатламининг кучайишига ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатувчи кучига айланишига, мамлакатда гендер муаммосини ҳал этишда муҳим ижтимоий психологик омил бўлиб хизмат қилади.

3. Хорижий мамлакатларга иш қидириб кетаётган хотин-қизларнинг кўплари муайян замонавий касб-хунарга эга бўлмаганликлари, чет тилларини яхши билмаганликлари туфайли “замонавий қуллик” қа тушиб қолмоқдалар. Хорижга иш қидириб кетадиган “Битирувчи қизлар мактаби” ўқув курсини тамомлаб, муайян мутахассисликка эга бўлган хотин-қизлар эса қора ишлар билан эмас, балки эгаллаган касби бўйича малакали ишчи бўлиб меҳнат қиладилар ва яхши даромад оладилар.

4. Жамият ҳаётида аёллар ўртасида тарқалган жиноятчилик, фоҳишалик, гиёхвандлик, одам савдоси билан шуғулланиш каби жиноятчилик камаяди ва аёлларнинг руҳий психологик инқирозини камайтиради.

5. “Битирувчи қизлар мактаби” ўқув курсини тамомлаган хотин-қизлар турмушида, оиласида руҳий психологик вазият, эр-хотин муносабатлари янада мустаҳкамланади.

REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири. “Халқ сўзи” газетаси. 2020-йил 24-сентябрь сони.
2. <https://daryo.uz/2023/08/08/ozbekistonda-nikohdan-ajralishlar-soni-eng-kop-hudud-malum-qilindi>.
3. <https://daryo.uz/2023/08/08/ozbekistonning-qaysi-hududidan-koproq-odam-chet-elga-kochib-ketayotgani-malum-qilindi>.
4. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Интернет сайти: <https://lex.uz/docs/4494849>.
5. “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги президент фармони. 2022 йил 1-март. Интернет сайти: <https://president.uz/uz/lists/view/5057>.
6. <https://uz.kursiv.media/2023-06-16/potok-trudovyh-migrantov-iz-uzbekistana-v-rossiyu-vyros-bolee-chem-na-70/>.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-4 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-3-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3-4

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz